*Ассалом, баҳор!*

# УЙҒОНИШ

Ёмғир шивалаб ёғарди.

Ердан охирги қорлар, қуёш тушмайдиган ерлардаги муз парчалари ҳам томчиларга қўшилиб, эрий бошлади. Қарғаларнинг шодон қағиллашлари ҳам илтижоли тус олди: «Ёғсангчи, ёғсангчи, қор?»

— Ёғаверсин, — бободеҳқон ёмғирга мамнун термулади, — эндиги қорлар лайлак қор, ерга қўнмайди, сув бўлиб сингиб кетади, дармон бўлади.

Ёмғир шивалаб ёғарди.

Фарзандини узоқ муддат кўрмаган интизор соғинган онанинг кўз ёшларини биласизми? Ёмғир томчилари худди шу соғинч ёшларига ўхшаб кетади. Ўз ўрнини уч ой қишга бўшатиб берган баҳорнинг соғинч ёшлари бу ёмғир.

Кеча қор ёққанда шукроналар айтган одамлар бугун қувонч билан юзларини ёмғирга тутадилар. Томчилар уларнинг юзларидан оқиб тушади.

— Етказганингга шукр!

— Ҳар бир одамнинг тилида бу сўз. Истиқлолимизнинг олтинчи баҳорининг шукронаси бу.

«Баҳорлар келади, ҳали ажойиб» деб куйлаган шоирлар томчиларни сиёҳ қилгандай ҳавас ила ёмғирга боқадилар. Шамоллар эсади, ғувиллайди. Дарахт шохларини силкитади, гул-гиёҳларни тортқилайди.

— Туринглар, ҳей, уйғонинглар, баҳор келаяпти! Шу биргина сўзнинг қудрати уч ойлик қорни эритиб юборишга қодир. Чунки бу сўзларда баҳорий илиқликлар жобажодек туюлади.

Баҳор — уйғониш фасли. Энг митти қумурсқалардан тортиб, қудратли бургутгача ғимирлаб қолади. Майса гиёҳдан тортиб асрий чинорларгача кўкаради, гуллайди. Мудроқ далаларга жон киради. Сувлар яна ариқларда жўш уриб оқа бошлайди.

Шаҳримиз хиёбонларидан ўтар экансиз, дарахтларга интиқ тикиласиз: куртаги бўртиб қолдимикин? Янгиликка ташна нигоҳларимиз ҳар лаҳзада мўъжиза кўришни истайди. Чиндан ҳам бугун ўтган йўлингиздан эртага юрсангиз бир кечадаги ўзгаришни кўриб лол қоласиз. Баҳор қудрати бу, яшиллик, яшариш.

Наврўзи билан, қўша-қўша байрамлари билан баҳор кириб келаяпти. Мудроқ оламга жозибаю бедорлик ато қилиб яшариш, уйғониш фасли келаяпти. Кўзларимизга, қалбларимизга баҳор тилаклари оқиб кираяпти.

Ассалом, баҳор! Қадамингга ҳасанот! Ҳар босган одимингда гул унсин! Она шаҳрим бошларидан чечаклар соч, қувончлар соч! Ҳар бир хонадонга наинки хонадон, ҳар бир жонга кириб бор. Битмас-туганмас иқбол, латофат ато эт!

Бугун эса ёмғир шивалаб ёғяпти...

Баҳорга поёндоз бўлаётган биллур томчилар бу!

*Темур УБАЙДУЛЛО.*

*Қатра*

# НУРЛАР



Кўклам қуёшининг иссиқ нури тоғдаги ирмоққа тушди. Ирмоқ товланиб кетди.

— Бирам ҳузурки, — шилдиради у!

— Нега сувинг кам? — сўради қуёш.

— Қорлар эримаяпти. Кунлар исимаяпти. Зўрға жилдираб оқаяпман, — деди ирмоқ.

Қуёш юксакликка кўтарилиб, найзадек олов нурларини қорларга санчди. Қорлар бардош беролмади. Эриб кета бошлади. Ҳатто асрий қоялар ҳам Қуёш нурларидан бир-икки тебраниб қўйишди: «олсанг қорни оласан-да, мени йиқитолармидинг!»

Қуёш нурлари эса тобора баланддан, тобора қайнаб келар эди. «Оббо, — ўйлади қор, — энди ётаверсам бўлмас экан! Кел, шу Қуёш ҳам бир нимани билса керак. Айтганига кира қолай».

Қорлар жадал эришга бошлади. Ирмоқ сувга тўла бошлади. Майсалар, турфа чечакларнинг илдизлари ундан ором ола бошлади.

Бир куни Қуёш кўзларига ишонмади. Ирмоқ соҳилларида гуллар уна бошлаган эди.

— Ана қудрат! — деди Қуёш.

— Менинг об-ҳаётим, — деди мағрур чулдираб ирмоқ!

— Менинг муҳаббатим, — деди ҳокисор Замин!

— Менинг ташрифим, маҳоратим! — шивирлади баҳор.

Қуёш нурлари шунда англаб етди: қаерда, обиҳаёт, замин, муҳаббат, нур қудрати бирлашса, ҳамкор бўлса, ўша ерда мангу баҳор яшар экан!

*Ғолиб МИРЗО.*

*Ибратнома*

# УМР ВА РИЗҚ БАРАКАСИ

❑ Инсон — табиат фарзанди. Шундай экан, табиатдаги уч нарсадан ўзига ибрат олиши керак: 1. Ердай вазмин бўлиш. 2. Қуёшдай иссиқ ва ёруғ бўлиш. 3. Сувдай юмшоқ бўлиш.

❑ Инсон тўрт нарсадан ўзини тийиши керак: 1. Тилдан. 2. Кўздан. 3. Зино ишлардан. 4. Мол-дунёга ҳирс қўйишдан.

❑ Меҳрибонлик ва раҳмдиллик умрнинг ва ризқнинг баракали бўлишига сабаб бўлади.

❑ Ҳаё инсон учун энг шарафли хислатдир. Ҳаё иймон дарахтининг шохидир ва инсон ривожининг белгисидир.

❑ Жувонмард ўзининг очиққўллиги, сахийлиги билан муҳтарамдир. Юраги тор хасис эса бой бўлса ҳам хордир. Итнинг бўйнига тилла занжир осилса ҳам у халқнинг наздида обрўсиздир.

❑ Мавлоно Саъдий ёзадилар:

Баҳромгўр қабрига шундай битилган экан:

Сахий инсон кучлироқдир билаги зўрдан.

❑ Бир ҳакимдан сўрадилар:

— Ҳаётни кимдан ўргандинг? — Ҳаким шундай жавоб берибди:

— Кўзи ожиздан.

— Қандай қилиб?

— Кўзи ожиз юрадиган йўлини ҳассаси билан текшириб кўради, кейин қадам босади. Мен ҳам қиладиган ишларимни аввал ўйлаб кўрдим, кейин мақсад сари интилдим. Шу сабабли ҳаётимда қоқилганим йўқ.

***❑ Беш кунлик дунёда шундай яшагин:***
***Тўғри юр, яхши бўл, ҳалол ошагин.***
***Ҳеч кимса дунёга устун бўлмайди,***
***Ёмон феълинг бўлса, тезда ташлагин.***

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.*

# ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

*Ҳикматлар*

# ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ — АҚЛИДА

◆ Киши қалбини билмай туриб у билан дўст бўлиш жиноят.

◆ Инсон ҳаётининг энг қимматли меваси — ёшлик.

◆ Чин дўстлик айри тушган пайтларда билинади.

◆ Инсоннинг гўзаллиги ҳуснида эмас, унинг гўзал аҳлоқидадир.

◆ Йиллик ишни баҳорда, умрлик ишни ёшликда, ҳақиқий дўстликни амалиётда белгилаш керак.

◆ Ҳаёт поёнларида чанқаб қолмаслик учун турмуш булоқларидан кўпроқ ичишга тўғри келади.

◆ Инсон учун энг азиз нарса ҳаётдир. У бир маротаба яшайди, бу умрни шундай ўтказиш керакки, бутун ҳаёт ва кучимни инсонларнинг бахти учун курашга бағишлай олдим деб айтолсин.

*Уйғурчадан Муршида НАБИЕВА таржимаси.*

*Келажак*

# ОЛАМ НУРГА БЕЛАНГАН



***Тошкент Давлат ирригация ва сув хўжалиги институти қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Ҳамидулло Юнусов 1980 йилда Тошкентнинг «Янги турмуш» маҳалласида туғилган. Укаси Нурулло 1-синфда ўқийди, синглиси Ҳилола боғча «қизи».***

**— Ҳамидулло, дунёни қандай рангда кўрасиз?**

— Тиниқ рангда, опа. Кичкина бола нигоҳидай, шоирона айтадиган бўлсам субҳидамдай тиниқ ва мусаффо рангда. Дунё ташвишу ғамлардан ташқари бокира холу ҳолатлари билан ҳам ажабланарли. Фақат буни кўра билиш, ҳис қила билиш зарур. Арман актёри Ваграм Папазян ёзганидек: ички нигоҳ, ички ҳис билан кўра билиш зарур. Олам нурга тўлганини қалб кўзи очиқ одамларгина кўра оладилар. Бунга иккита кўзнинг ўзи кифоя қилмайди.

**— Ёш бўлсангиз ҳам жуда файласуф экансиз. Айтинг-чи, ҳаётда нимани яхши кўрасиз?**

— Аввало кимни? Дадажоним ва ойижонимни. Уларга тиргак бўлсам дейман. Менинг борлигимга астойдил шукр қилишларини жуда истайман. Нурулло укам, Ҳилола синглимсиз оиламизни тўкис ҳисоблай олмайман. Уларга ҳар доим ҳимоячи эканлигимни ҳис қилиб тураман. Бувижонларим, бувжонларим ҳовлимизнинг файзи.

Энди нимани яхши кўришимга келсак. Бирор нарса билан машғул бўлишни, уйдагиларга қарашишни, кўпроқ китоблар, газета, журнал ўқишни яхши кўраман. Абдулла Қодирийнинг асарлари, қаҳрамонлари дунёсида яшайман. Инглиз тили билан шуғулланаман.

**— Унда қандай қилиб бу лицей-интернатга кирдингиз?**

— Физика, математика фанларини яхши кўраман. Бу фанларни «фанларнинг отаси» дегим келади. Аммо ўзингиз биласиз, ўрта мактабларда бу фанлар чуқур ўргатилмайди. Кейин баҳолар рағбат билан қўйилади. Лицейда эса аксинча. Худди франг файласуфи Монтеньде Мишель айтганидек «Билимга интилиш туйғусидан кўра табиийроқ туйғу йўқ» бу ерда. Ўзингиз ҳаракат қиласиз. Кучингиз етмаса қўшимча дарслар оласиз. Ҳамма фанлар бир йўналиш бўйича олиб борилади. Домлаларимиз фан номзодлари, докторлари, профессорлар. Биздаги мактабларда ҳамма фанлар бирдек ўқитилаверади. Қизиқасизми, йўқми суриштирилмайди. Ўқувчининг мияси компьютер эмас-ку. Унинг қизиқишлари бир томонлама бўлиши табиий, лекин мен Ўзбекистон келажагини шундай кўраманки, вақти келиб математика, тарих, адабиёт хорижий тилларга асосланган алоҳида мактаблар ташкил этилади, ўшанда ўқувчи ўзи истаган йўналишдаги мактабга бориб ўқий олади.

**— Лицейдаги шароитлар сизга маъқулми?**

— Жуда. Директоримиз Аҳрор Ҳусанов, илмий мудиримиз Умида Йўлдошевалар ҳамиша етишмовчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилишади. Лицей замонавий техникалар билан тўлиқ таъминланган. Яқингинада янги компьютерлар келтирилди. Инглиз тили муаллимамиз Зира Корисеева, физикадан фан номзоди Маҳмуд Ҳафизов, математикадан фан номзоди Нурулло Йўлдошевлар дарс беришади.

**— Дўстлар ҳам орттирдингизми?**

— Ҳа, талайгина. Сурхондарёлик Ҳаётулло Юнусов, сирдарёлик Рустам Раҳмонов, тошкентлик Улуғбек Аҳмедовлар билан аллақачон апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Бу дўстларимни иккинчи муаллимларим дегим келади.

**— Тенгдошларингизга айтар сўзларингиз борми?**

— Келажак — ўқиганники. Ўқиганмисиз, француз астрономи, математиги ва физиги Лаплас Пьер Симон бундан бир ярим аср муқаддам «Билганларимизнинг чеки бор, билолмаган нарсаларимизнинг эса ҳад-чегараси йўқ» деб ёзган эди кундаликларида. Мен ўтган йили дадамга пиёз сотишда қарашдим. Шунда бу ерда кўп тенгқурларимни кўрдим. Улар ўз иқтидорини чеккага суриб бозорга берилмасинлар. Тўғри, кимдир бозордаям савдо қилиши керак. Аммо ўша одамнинг кимлиги муҳим.

**— Лицей-интернатни кейинги йил ёзда тугатар экансиз...**

— Тушундим. Кейин нима қилмоқчиман? Шу институтда ўқишимни давом эттираман. Мен ҳали яна ҳам кўпроқ ва кўпроқ ўқишим ва уқишим керак.

*Гулжаҳон МАРДОНОВА ёзиб олди.*

Меҳмондўстлик ўз номи билан дўстлашиш демакдир. Нақл қилишларича, ёқимли кун, дилрабо куй кишига руҳан озуқа бўлади, доно дўст, хуштабиат улфат эса жон озуғидир.

Меҳмондўстлик орқали инсон бир-биридан озуқа олади, дарди енгил бўлади. Ҳар ким дўсти билан суҳбатлашишни, уни қалбан хурсанд бўлиши учун қучоқ очиб кутиб, бор noз-неъматлар билан кутиб олишга ҳаракат қилади. Дўст орттириш инсоний белгилардандир.

Учар қуш қанотсиз, балиқ сувсиз ҳаёт кечириши мумкин эмас. Инсон учун дўст, ёр, ўртоқ бўлмаса ҳаётда қийин ҳолатга тушади.

Ёлғизлик жуда ёмон. Инсон дўсти билан ҳамнафас бўлса, ёлғиз бўлмайди. Бир пиёла чой устида ўтириб келажак режалари ҳақида, ҳаётнинг мазмуни ҳақида суҳбатлашишга не етсин. Бироқ ҳар ким дўст орттириш, дўсти ким эканлигини билиши муҳим. Дарахтнинг новдаси қай томонга ўсган бўлса, томирлар ҳам ер остида ўша томонга ўсган бўлади. Инсоннинг ҳам илдизи чуқур бўлмоғи лозим. Халқимизда «Дўстингни кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман» деган нақл бежиз айтилмаган. Одам ҳамма вақт яхши одамларга яқинлашишга, унга эргашишга ҳаракат қилмоғи лозим. Ҳар биримиз ўз тенгқурларимиз билан ёшликдан ўртоқлашиб, вояга етгач содиқлари билан дўст бўлиб қоламиз. Ҳаётдаги қонун бу: баъзилар содиқ дўст бўлиб келадилар, баъзилари эса сизни кўролмайдиган рақибга айланадилар. Алишер Навоий ушбу байтида шундай деган:

*Қадриятлар*

# ЖОН ОЗИҒИ

***Мени мен истаган суҳбатига аржуманд этмас.***
***Мен истар кишилар суҳбатин кўнглим писанд этмас.***

Бир куни Абу Ҳусайн Абдуллоҳ ибн Сино ўғли вояга етганда, машҳур ҳаким бўлиб танилгач, ёнига чақириб насиҳат қилибди: Ўғлим, сиз шаҳзодаларни даволаш учун саройга кўп қатнаяпсиз. Хоҳлардимки ўзингиз сарой қурсангиз. Бундай сарой жуда кўп, атрофдаги шаҳар ва қишлоқларни ҳар бирида битта ёки иккитадан бўлиши шарт. Қанча кўп бўлса шунча яхши.» Ўғил «хўп» дептию, лекин: «Қайси маблағ эвазига, қандай сарой қуриш мумкин?» — деб ўйлабди. Бир неча кун ўтгач Ибн Сино бир донишманд олдига бориб, дейди: «Отам кўплаб сарой қуришимни буюрдилар. Нима қилишим керак? Шунда мўйсафид табассум қилиб: «Бухорои Шарифга, барча атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан саёҳатчилар, савдогарлар, косиб ва шоирлар, деҳқон, ҳунармандлар ташриф буюришади. Сиз уларнинг ёнига боринг, дўст орттиринг. Ҳалол, доно кишилардан топинг, дўст бўлинг, меҳмон қилиб, олдига дастурхон солинг. Яхши одамларни кўп танисангиз, Сиз ҳам айланиб улар томонга бориб қолсангиз, улар ҳам сизни қучоқ очиб кутиб олади. Уларни уйлари сизнинг саройингиз бўлиб қолади, бўтам», деган эканлар.

Донишманднинг маслаҳатидан яхши дўст, одамий улфат орттириш нечоғлик аҳамиятли эканини кўриш мумкин. Оғир дамларда дўстига ёрдам бериш, бетоб бўлганда холидан хабар олиш эса олижаноб одатлардандир. Ибн Сино донишманд маслаҳати билан жуда кўп дўст орттириб, бечораҳол дўстларига қўлидан келган ёрдамини бериш одатини канда қилмабди. Қаерга бормасин унинг дўст-биродарлари қучоқ очиб кутиб олибди. Дардмандларга даво берибди. Қўлидан келса маслаҳат бериб, уларнинг ҳожатини чиқарибди. Қисқаси, табиб ҳамма жойда ўз уйи, дўстлари орасида бўлибди. Дўст, ўртоқни, энг яхши кишини меҳмоннавозлик билан кутиб, уни кўнглини олиш ҳам бир фазилатдир. Шунинг учун ҳам «Меҳмон — отангдек улуғ» деган гап бежиз айтилмаган. Уйимизнинг энг чиройли безатилган, покиза хонаси меҳмонхона деб аталади. Меҳмон учун, албатта, ширинликлар, мева-чевалар олиб қўйилади. Меҳмон келганда уни қучоқ очиб кутиб олишади ва ҳурмати жойига қўйилади. Меҳмондўстлик риштаблагининг боғланишини оилада фарзандлар ҳам яхши биладилар. Бирор сабаб билан уйларига ўзлари билган, тез-тез кўриб турадиган дўстлар келмай қолсалар, уларни сўраб ҳам қўядилар. Дўст танлаш, у билан ҳамфикр бўлиш, бир-бирини, ҳурматини, иззатини жойига қўйиш инсоний фазилатлардандир.

Баъзилар бор дўстининг мавқеидан фойда тегса дўст бўлиб, ундан наф тегмайдиган дамларда, мансабидан кетса ёки бошқа сабаблар билан дўстидан узоқлашади, уни унутади. Бундай инсонни кечириб бўлмайди. Бу яхши фазилат эмас.

Халқимизда «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин», деган мақол бор. Хонадонингизга келган меҳмонни очиқ чеҳра билан кутиб олишга ҳаракат қилинг. Улуғ, эл назарига тушган яхши инсонлар кўп, улар ўз ота-оналарининг дўстларидан улар вафотидан кейин ҳам хабар олиб, тез-тез зиёрат қилиб турадилар. Ҳадис илмида ҳам отанг-онангга қадрдон бўлган кишиларнинг ҳолидан хабар олиб тур деган насиҳатлар бор. Бизнинг ота-боболаримиз удумини давом эттирган ҳолда, миллатимизнинг энг яхши одати — меҳмондўстликнинг қадрига етишимиз лозим. Биз авлодларимиз яратган эртак, ҳикоялар, қиссалар, ҳадис илмидан баҳраманд бўлиб борсак, ота-оналаримизни энг яхши хислатларини ўзимизда шакллантириб борсак, Ватанимизнинг ҳақиқий меҳмондўст, сертакаллуф, авлодлар руҳини шод қилган бўламиз.

*Азизахон ЗАЙНУТДИНОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент.*

*Шеърият*

## ШАМОЛ

***Баҳорни елкамга ортқила, шамол...***

***Измингда чайқалган лоларанг чаман***
***Тинчимни бермайин кўрсатсин жамол,***
***Шудрингли чаманни қўмсаб қучаман,***
***Саҳарлар уйқудан бедор эт, шамол!***

***Майлига, лолалар хаёлим олиб,***
***Ҳур қизлар базмини эсимга солсин:***
***Майлига қоқинсам, ҳовлиқиб, толиб...***
***Кўкатларнинг ранги тиззамда қолсин...***

***Шудринг жилосида нигоҳим қотиб,***
***Тонглар ҳикматидан англайин рўё.***
***Тонгларим шундайин беором отиб,***
***Майли, гўзалликка бўлай маҳлиё.***

***Чеҳрамга лолалар жилоси кўчиб***
***Шундай қарши олай қуёшни ҳар кун.***
***Янги кунни алқаб, баҳорни қучиб,***
***Шудринг-ла ювайин майсалар гардин.***

***Майли сен ҳам — шамол, қаршимдан эсиб,***
***Лолалар атрини уфур, энтикма...***
***Мен чўққида ёнган лолаларни деб,***
***Янги сўқмоқ солиб интилай тикка...***

***Қизлар этагини тортқила, шамол,***
***Атлас жилосидан кўзим қувонсин.***
***Баҳорни елкамга ортқила шамол,***
***Вужудим лолалар қўйнида қолсин!..***

ОТАЁР.

## БОЙЧЕЧАК

***Тоғу тошдан униб чиққан***
***Бойчечак, бойчечак.***
***Ассалом деб кулиб чиққан***
***Бойчечак, бойчечак.***

***Кўм-кўк баҳор элчисисан***
***Бойчечак, бойчечак.***
***Янги ҳаёт белгисисан***
***Бойчечак, бойчечак.***

***Энг биринчи очилишга***
***Тайёр турган ғунчасан,***
***Ғунчасан.***
***Биз — бахтиёр болаларга***
***Ўхшаб кетдинг мунча сан,***
***Мунча сан.***

***Гунафшадан олдин чиққан***
***Қир гулисан, қир гулисан***
***Қир гули.***
***Яшил кўйлак кийган дала***
***Сунбулисан, сунбулисан***
***Сунбули.***

***Япроғингда яйраб ўйнар***
***Офтоб нури — зарраси,***
***Зарраси.***
***Еллар сенга қўшиқ куйлар***
***Гўё она алласи,***
***Алласи.***

***Кел биз билан бўл қадрдон,***
***Чаккамизга тақайлик,***
***Тақайлик!***
***Тинч, мусаффо турсин осмон,***
***Биз шодланиб боқайлик***
***Боқайлик.***

***Тоғу тошдан униб чиққан***
***Бойчечак, бойчечак.***
***Ассалом деб кулиб чиққан***
***Бойчечак, бойчечак.***

*Наримон ОРИФЖОН.*



*Кўклам яқинлашгани сайин қуёш тафти танага роҳат бахш этадиган паллалар киради. Бундай пайтларда офтобрўяда суҳбатлашиб ўтирганга нима етсин?*

*Миртемир Қодиров олган сурат.*

*Қаҳқаҳа*

# «ЁЗИШНИ БИЛАРКАНСИЗ-КУ»

Театршунос ёш драматургга:

— «Фожеий драма» ёзибсиз. Лекин, «асар»ингизда «фожеа» деярлик... йўқ.

— Демак асарим қаҳрамонларини икки мартадан «ўлдиришим» керакда-а?!

* * *

Бир қиз ҳаваскор рассомга турмушга чиқди. Орадан бир неча кун ўтгач, дугоналари ундан сўрашди:

— Хўш, қандай яшаяпсизлар?

— Жудаям яхши. Эрим сурват чизади. Мен овқат пишираман. Сўнг иккаламиз «ким нимани чизгани» ёки «қандай овқат пиширгани» ҳақидаги жумбоқни ечамиз.

* * *

ДАН ходими ҳайдовчига:

— Йўл қоидасини буздингиз! Дарҳол тушунтириш хати ёзингиз?!

— Саводим йўқроқ...

— Ундоқ бўлса... талонингизни тешаман!

...Ҳайдовчи битта юзталикни гувоҳнома орасига қўйиб, назоратчига узатди.

— Мана, ёзишни билар экансиз-ку, — деди назоратчи. — Лекин бундан кейин бирнинг ўрнига 5 қўйишни унутманг, хўпми?!

*Абдуазиз ҲОШИМОВ.*

